

Ички аудит бошқармасининг 2024 йилдаги фаолияти бўйича ҲИСОБОТ

1. Умумий маълумотлар

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилотлари 282 тани ташкил этади.

Вазирлик марказий аппарати тарихи бўлинмасида Ички аудит бошқармасининг штат бирликлари сони 15 тани ташкил этади. Ҳозирги кунда бошқармада 13 нафар раҳбар-ҳодимлар иш фаолиятини олиб бораётган бўлиб, барчаси миллий малака сертификатларига эга.

2. Ички аудит йиллик режасида тасдиқланган ички аудит тадбирларининг ҳисобот даврида режалаштирилган қисмининг бажарилиши ҳолати

Ҳисобот даврида 296 та объектда 41 та ўрганиш ишлари ва молиявий назорат тадбирлари ўтказилди.

Бошқармасининг йиллик иш режасига 83 та ўрганиш объекти киритилган бўлиб, шундан 79 тасида (95%) 6 та молиявий назорат тадбирлари ҳамда иш режадан ташқари 217 та ўрганиш объектида 35 та молиявий назорат тадбирлари ўтказилишига эришилди.

Ушбу ўрганишлар ва молиявий назорат тадбирларида 257 525,8 млн. сўмлик молиявий хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Юқоридаги молиявий назорат ва ўрганиш ишлари жараёнида 111,9 млн. сўмлик пул маблағлари тегишли бюджетларга қайтарилиши таъминланди.

Шунингдек, 35 та молиявий назорат тадбирларида 217 та ўрганиш объектида 1362 та ҳолатда 210 281,1 млн. сўмлик профилактик тадбирлар ўтказилишига эришилди.

Масофавий аудит орқали аниқланган шубрали операциялар бўйича 172 та объектда камерал назорат ишлари амалга оширилди.

Камерал назорат тадбирларида жами 98 185,8 млн. сўмлик пул маблағлари амалдаги меърий-ҳуқуқий ҳужжатларга зид равишда сарифланишининг олди олинди.

3. Ҳисобот даврида ўтказилиши режалаштирилган, лекин амалга оширилмаган ички аудит тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар

Юқорида кўрсатилганидек, ҳисобот даврида 83 та объектда ўрганиш ишлари ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, шундан 79 тасида молиявий назорат тадбирлари ўтказилди.

Режадаги 4 та объектда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан молиявий назорат тадбирлари ўтказилганлиги сабабли Ички аудит бошқармаси томонидан ўрганиш ишлари ўтказиш имконияти бўлмади.

4. Ички аудит объектлари томонидан чора-тадбирлар режасининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар

Ҳисобот даврида 296 та объектда, шундан, йиллик режа асосидаги 79 та ва йиллик режадан ташқари 217 та объектда жами 296 та таклиф ва тавсиялар берилган.

Булар асосан:

- Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”даги Қонуни;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1-мартдаги “Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-144-сонли қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Меҳнат бозорида меҳнат муносабатларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 743-сонли қарори;

- Адлия вазирлиги томонида 2010 йил 22 декабрда 2169-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги йўриқнома;

- Адлия вазирлиги томонида 2014 йил 15 декабрда 2634-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларининг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомларига риоя этишлари бўйича таклиф, тавсия ва қатъий топшириқлар берилди.

5. Ички аудит хизмати фаолияти сифатини таъминлаш (баҳолаш) ва ошириш бўйича амалга оширилган ишлар

Ҳисобот даврида ички аудит фаолиятини яхшилаш мақсадида, Ички аудит ходимларининг моддий таъминоти бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш тизими қайта кўриб чиқилди ва натижада Ривожлантириш жамғармаси маблағлари

хисобидан 200 фоизгача устамалар белгилаш бўйича вазирликнинг тегишли буйруғи ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Ички аудит бошқармаси фаолиятини самарали олиб борилишини таъминлаш мақсадида 4 та штат бирлигини тўлдириш мақсадида vacancy.argos.uz платформасига эълонлар жойлаштирилди.

Ушбу эълонлар натижасида, ўрнатилган тартибларга кўра саралаш ва суҳбат жараёнлари ўтказилди ҳамда 2 нафар ички аудит миллий малака сертификатига эга бўлган ходимлар билан меҳнат шартномалари тузилди ва ушбу ишлар ҳозирги кунда ҳам давом эттирилмоқда.

Ички аудит бошқармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида, бошқарма Низоми қайта ишлаб чиқилди ва вазирликнинг 2024 йил 14-июндаги 118-сонли буйруғи билан Ички аудит бошқармасининг Низоми тасдиқланди.

Ушбу Низомга мувофиқ Ички аудит бошқармаси ходимларининг лавозим йўриқномалари қайта ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда тасдиқланди.

Шунингдек, Ички аудит бошқармаси ходимларини амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлардан, янгиликлардан ҳавардор бўлишлари, ушбу янгиликларни амалиётда қўллашлари, провард натижада бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари мақсадли ва самарали ишлатилиш бўйича малакаларини мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор ўқув-семинарларда қатнашишлари таъминланди.

Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан 2024 йил 1 май куни “Давлат аудит” дастурий комплексидаги ўзгаришларни фойдаланувчиларга етказиш ва дастурдан фойдаланишини ўрганишга бағишланган семинар;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан 2024 йил 20 сентябрь куни ўтказилган “Масофавий аудит” ААТдан фойдаланиш саводхонлигини ошириш бўйича семинар;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан 2024 йил 15 ноябрь куни ўтказилган “Давлат молиявий назорат инспекцияси ва идораларнинг Ички аудит хизматлари фаолияти” мавзусидаги семинар;

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 2024 йил 30 май куни ўтказилган “Ички аудит фаолиятини ташкил этишнинг Австрия тажрибаси” мавзусидаги онлайн семинар;

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан 2024 йил 23 октябрь куни ўтказилган “Ички аудит фаолиятини ташкил этишнинг Нидерландия тажрибаси” мавзусидаги онлайн семинар.

6. Вазирлик тизимидаги бюджет ҳисобидан молиялаштирилмайдиган нобюджет муассаса ва ташкилотларда молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган назорат ишларига оид ҳужжатларнинг мониторинги юзасидан амалга оширилган ишлар

Тегишли маълумотлар соҳада мавжуд эмас.

7. Аниқланган тизимли камчиликлар, хавфлар ва уларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш бўйича кўрилатган чоралар (таклиф ва тавсиялар)

Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги ташкилот ва муассасаларда учрайдиган камчиликлар ва хавфларни олдиндан аниқлаш, уларни таҳлил қилиш, олдини олиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июлдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан молиявий назоратни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-100-сонли Фармони итжросини таъминлаш мақсадида, Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 27 декабрдаги “Сув хўжалиги вазирлигида хавфларни бошқариш тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги 276-сонли буйруғи тасдиқланди.

Ички аудит бошқармаси